

Vol. 4 Issue 10 | pp. 166-173 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

## КОРХОНАЛАРДА ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИ ТАДБИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ



**Яхъяева Инобат Каримовна**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти,  
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Мақолада корхоналарда замонавий менежмент концепцияларини тадбиқ этиш масалалари ўрганилиб, хусусан, "lean production" концепцияси таклиф этилган. Муаллиф томонидан енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича статистик кўрсаткичлари таҳдил этилди. Натижада, мамлакатимиз енгил саноатининг рақобатда заиф томонлари сифатида тўкувчилик дастгоҳларининг маънавий эскирганлиги, малакали муҳандис-техник ходимларнинг этишмаслиги, газлама, мато маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувнинг пастлиги, тикув ва трикотажга йўналтирилган маҳаллий матолар ишлаб чиқариш ривожланмаганлиги, айрим худудларда толани ўзлаштириш даражасининг пастлиги, халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежментини жорий эттан корхоналар сонининг камлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** енгил саноат, тежамкор ишлаб чиқариш, ип-калава, "lean production", замонавий менежмент концепциялари.

**Аннотация.** В статье на основе эмпирического анализа исследованы практические аспекты реализации концепции «бережливого производства» в легкой промышленности, а в конце статьи представлены научные выводы.

**Ключевые слова:** бережливое производство, себестоимость, себестоимость продукции, продукция, легкая промышленность.

**Abstract.** In the paper have been researched the practical aspects of the implementation of the concept of "lean production" in light industry on the basis of empirical analysis, and scientific conclusions are presented at the end of the article.

**Keywords:** lean production, cost, production costs, product, light industry.

### Кириш

Тизимили демократик бозор ислоҳотларини жорий этиш, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, саноат тармоқларидаги таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини давом эттириш – Ўзбекистон муваффақиятининг асосий омилидир. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг муттасил ўсиши анъанавий хомашё тармоқлари ёки жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура, айрим хомашё ва материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, аксинча, рақобатбардош тайёр

маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий хизмат қўрсатиш соҳаларини жадал ҳамда устувор ривожлантириш ҳисобига таъминланмоқда. Умуман саноат республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Чунки, саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви билан бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қиласи. Саноат тармоғининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади.

### **Адабиётлар шарҳи**

Енгил саноатда “тежамкор ишлаб чиқариш” замонавий ҳолатининг услубий аппаратини тизимлаштиришда хорижий ва МДХ тадқиқотчиларининг Scopus, ProQuest, e-Library ахборот манбаларидаги библиографик маълумотлар базаларида эълон қилинган илмий ишлари ва мақолаларидан фойдаланилган.

Ишлаб чиқаришда тежамкорлик тушунчасини биринчи бўлиб Жон Крафчик (John Krafcik) [1] жорий этган. «Тежамкорлик» (Lean) деганда муаллиф янги типдаги ишлаб чиқаришда ортиқча нарса умуман бўлмаслигини тушунган. «Lean» атамаси «мехнат ва самарали ишлашга қодир бўлиш» маъносида тушунилади (Ж. Вумек ва Дн. Жонс)[2]. Операцион менежмент бўйича китобларда тежамкор ишлаб чиқариш ўзбек тилида «тўғри», «текис» ёки «тежамкор» ишлаб чиқариш деган вариантларга эга.

Кўпчилик муаллифлар (Деннис П. Хоббс [3], Стефан Руффа, Джордж Алукал [4], Лаури Коскела [5] ва бошқалар) тежамкор ишлаб чиқаришни тежамкор ишлаб чиқариш принципларига асосланган корхонани бошқариш фалсафаси сифатида тавсифлайдилар.

МДХ тадқиқотчилари (Березовский Э.Э.[6], Адлер Ю.П.[7] ва Шпер В.Л., Лапидус Э.А.[8]) “Lean production” ни корхона учун омон қолиши воситаси ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш омили сифатида тавсифлайдилар.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуllerдан кенг фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Статистик таҳдилларга қўра, 2021 йил яқунига қўра, пахта соҳасида толани қайта ишлаш 2,5 баробар ошибб, 100 фоизга, ип-калава ишлаб чиқариш 2 баробарга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 3 баробарга, экспорт ҳажми 3 миллиард долларга етди. Фермерларнинг қизиқиши ортиб бораётгани, тадбиркорларнинг кластер доирасидаги муносабатлари ва натижа учун тўлиқ масъулият билан ишлаш пахтачиликнинг янги самарадорлик чўққиларига кўтарилишига олиб келди. Пахта ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошибб бормоқда. 2021 йилда аксарият кластерларда ҳар гектардан 35-40 центнердан ҳосил йиғиб олинди, баъзиларида эса бу кўрсаткич 60 центнерга етди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал сураътларда ривожланиб бораётган бир пайтда саноат тармоғининг ўрни бутунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Саноат соҳасини инновацион ривожлантириш, жаҳон талабларига мос келадиган даражада

техника ва технологиялар билан таъминлаш, ушбу соҳада экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш замон талабларидан биридир.

Саноат корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Республикада олиб борилаётган жадал ислоҳотлар натижасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатдошлигини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий натижаларга эришилган.

Таҳлил қилинаётган 2012-2020 йилларда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 109,6-115,5 фоизни ташкил этди. Мазкур ҳолат тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишининг ҳар томонлама таҳлили, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчан коњюнктурасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, жадал ривожланиш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда корхоналарда самарали корпоратив бошқарув тизимида замонавий услубларни кенг жорий этиш ҳисобига юз берган.

Маълумки, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми таркибига корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, яримтайёр, четга сотишга мўлжалланган, носаноат бўлинмаларга ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади, яъни ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида туталланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар ҳамда саноат тусидаги ишлар (хизматлар) киради.

Республикамизда сўнги йилларда, саноат корхоналари орасида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг улуши ҳам ортиб бормоқда. Куйидаги жадвал маълумотларидан мамлакат ЯИМ ўсиш суръати ва унинг таркибида тўқимачилик маҳсулотларини ўсиш суръатини кўриш мумкин.


Тадқиқот натижалари кўрсатишича, 2019 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 322535,8 млрд. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан таққосланган, бу кўрсаткич 137,0 % га ошган. Шунингдек, саноат соҳасида қайта ишлаш саноати ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоғи ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, 2019 йилда мамлакатимизда қайта ишлаш саноатида 254860,9 млрд. сўмлик (2012 йилга нисбатан 5,8 баробарга кўп ёки 2018 йилга нисбатан 34,4% га ошган) маҳсулот яратилди ҳамда 29946,6 млрд. сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари (2012 йилга нисбатан 3,9 баробарга кўп ёки 2018 йилга нисбатан 20,6 % га ошган) ишлаб чиқарилди.

Мазкур ҳолат юқори сифатли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш, миллӣ брендларни жаҳон бозорларига илгари суриш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновацион технологиилар, ноу-хау, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, фурнитура ва аксессуарларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, пахта хом ашёсини етиштиришдан бошлаб, унга дастлабки ишлов бериш, маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида кейинги қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулоти чиқариш босқичигача

бўлган ишлаб чиқаришни интеграция қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг кластерларини ташкил этиш ҳисобига юз берган.

Бундан ташқари 2019 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 322535,8 млрд. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан таққосланган, бу қўрсаткич 137,0 % га ошган. Шунингдек, саноат соҳасида қайта ишлаш саноати ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоғи ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, 2019 йилда мамлакатимизда қайта ишлаш саноатида 254860,9 млрд. сўмлик (2012 йилга нисбатан 5,8 баробарга кўп ёки 2018 йилга нисбатан 34,4% га ошган) маҳсулот яратилди ҳамда 29946,6 млрд. сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари (2012 йилга нисбатан 3,9 баробарга кўп ёки 2018 йилга нисбатан 20,6 % га ошган) ишлаб чиқарилди.

Республикамида сўнгги йилларда саноат корхоналари орасида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг улуши ҳам ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга эътибор қаратар эканмиз, 2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида саноат соҳасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 11,3 % ни, физик ҳажми индекси 14,4 % га ошганининг ишлаб чиқариш ҳажми эса 30342,0 млрд. сўмни ташкил этганининг гувоҳи бўламиз.



**1-расм. Тўқимачилик саноати улуши ҳамда физик ҳажм индекси тўғрисида маълумот [11]**

Статистик таҳлиллар шуни қўрсатади, 2019 йилда саноат соҳаси таркибида тўқимачилик маҳсулотларининг улуши (9,3 %) ўтган давларга нисбатан пасайғанлиги кузатилди. Саноат соҳаси таркибида тўқимачилик маҳсулотларининг энг юқори улушга эга бўлган даври 2012 йилдан (17,6 %) 2015 йилгача (17,2 %) бўлган давр оралиғига тўғри келмоқда (2.3-жадвал).

Шунингдек, 2020 йилнинг январь-ноябрь ойлари якунларига кўра, кийим ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидағи улуши 3,3 % ни, физик ҳажми индекси эса 102,9 % ни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 8774,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Маълумотларга эътибор қаратар эканмиз (1-жадвал), мамлакатимизда 2019 йилда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари томонидан жами 29946,6 млрд. сўмлик (2018 йилга нисбатан 20,6 % га ошган) маҳсулот яратилган бўлса, кийим ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари томонидан эса 9165,8 млрд. сўмлик (2018 йилга нисбатан 18,5 % га ошган) маҳсулот тайёрланган. Бу кўрсаткичлар 9 йил давомида, яъни 2011 йилга нисбатан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 4,4 баробарга ҳамда кийим ишлаб чиқариш 11,5 баробарга ошганлигини кўриш мумкин.

#### 1-жадвал

#### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ҳажми

Йиллар	Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати корхоналари		Кийим ишлаб чиқариш саноати корхоналари	
	млрд.сўм	фоизда %	млрд.сўм	фоизда %
2011	6 736,9	101,3	795,2	119,6
2012	7 672,9	107,6	996,8	100,1
2013	8 898,3	113,2	1 165,8	106,1
2014	10 839,5	107,2	1 308,7	113,1
2015	13 241,7	110,5	1 585,3	111,5
2016	13 335,3	109,0	4 318,5	108,9
2017	16 763,3	100,5	6 108,2	110,5
2018	24 835,2	107,4	7 732,2	103,3
2019	29 946,6	105,3	9 165,8	108,7
2020	30 447,4	101,6	10 041,4	109,5
2021	31 567,9	103,6	10 847,1	108,0
2022	34 566,50	103,61	10667,21	107,22

Таҳдил натижаларидан кўриниб турибдики, бугунги кунда мамлакатимизда саноат соҳасида кийим ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг улуши ҳамда яратган маҳсулотлари ҳажми бошқаларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга.

Республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасида киритилган 1 082 та лойиҳа бўйича 9,5 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 107,4 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди.



**1-расм. Түқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси (2024 йил январь-март, млн. АҚШ доллары) [13]**

Сўнгти йилларда енгил саноатда юқори қўшилган қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланиб бормоқда. Енгил саноат иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистон учун муҳим соҳа бўлгани ҳолда, аҳоли бандлигининг юқори даражасини, шунингдек, саноат салоҳиятига ҳамда давлатимизнинг халқаро нуфузига ҳисса қўшилишини таъминлайди. Түқимачилик маҳсулотларининг экспорти ҳажмлари ошишини бевосита пахта хом-ашёсини ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси сифатида қараш мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгти йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигидаги туб ўзгаришлар туфайли экспорт таркиби сезиларли даражада ўзгарди. Хусusan, экспортдаги пахта толаси улуши кескин камайди ҳамда 2010 йилда улуш 12,1 % ни ташкил этган бўлса, 2023 йил якунларига кўра эса бу кўрсаткич 0,2 фоизни ташкил этди. Бу шуни англатадики, түқимачилик саноатида қўшимча қийматга йўналтирилган сиёsat самарали ва хом ашё сифатида камроқ пахта толалари экспорт қилинмоқда.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, экспорт қилувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 29 ноябряда «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5587-сон Фармони [9] қабул қилинди. Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда 2019 йилда жами 1626,9 млн. АҚШ доллари миқдорида түқимачилик ва түқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилди. Бу кўрсаткич ўтган 2018 йилга нисбатан 25,1 % га кўплигини билдиради. 2013 йилга нисбатан таққосланганда мамлакатимизда 1,9

баробар кўп миқдорда тўқимачилик ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинганигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, кичик бизнес субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб этиш, саноат кооперациясини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 1 майда «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4302-сон қарорининг [10] қабул қилиниши худудларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасини оширди.

2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатига киритилган инвестицияларнинг асосий молиялаштириш манбаидан бири хорижий инвестициялар ва кредитлар бўлиб, улар 5522,1 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан, 1521,3 млрд. сўм тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан жалб қилинган.

Тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича таҳлил этилган статистик кўрсаткичларга кўра, Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг рақобатда заиф томонлари сифатида тўқувчилик дасттоҳларининг маънавий эскирганлиги, малакали муҳандис-техник ходимларнинг етишмаслиги, газлама, мато маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувнинг пастлиги, тикув ва трикотажга йўналтирилган маҳаллий матолар ишлаб чиқариш ривожланмаганилиги, айрим худудларда толани ўзлаштириш даражасининг пастлиги, халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежментини жорий этган корхоналар сонининг камлиги аниқланди.

Ушбу масалалар ўзаро бир-бирига боғлиқ, толани ўзлаштириш даражасининг пастлиги тўқимачиликка, мато ишлаб чиқариш ривожланмаганилиги кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, замонавий техника билан жиҳозланиш даражасининг пастлиги халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежментини жорий этилмаганилигига кучли таъсир этмоқда. Ушбу муаммолар ечимини топишда тўқимачилик корхоналарида “lean production” концепциясини тадбиқ этиш ва шу бўйича корхоналардаги муҳандис-техник ходимларни мунтазам ўқитиш тизимини (коучинг) ривожлантиришга эътибор қаратиш тавсия этилади. Тежамкор ишлаб чиқариш маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча босқичларида йўқотишлар билан курашишга қаратилган. Тизим самарали ишлашини таъминлаш учун тежамкор ишлаб чиқариш воситаларини тўғри танлаш зарур. Маҳсулот ва хизматнинг қийматини ҳар бир босқичда компания ходимлари яратади, шундай экан компанияга содик ва фойдали бўладиган соҳа мутахассисларини пухта тайёрлаш зарур.

### Адабиётлар:

1. Krafcik, J. Triumph of the Lean Production System / J. Krafcik. Sloan Management Review, MIT. 1988. Vol. 30 # 1.

2. Womack, J., Jones, D., Roos, D. The machine that changed the world: The story of Lean Production. How Japan's Secret Weapon in the Global Auto Wars will Revolutionize Western Industry / J. Womack, D. Jones, D. Roos. – New York: Rawson Associates. 1990.
3. Hobbs, Dennis P. Lean Manufacturing implementation: A complete execution manual for any size manufacture / Dennis P. Hobbs. – Fort Lauderdale, FL: J. Ross Publishing. 2003. – 264 p.
4. Alukal, G. Create a Lean, mean machine / G. Alukal // Quality progress. – Volume 36, No.4. – April 2003. – p. 29–35.
5. Koskela, L. Lean production in construction. Proceedings of the 10th ISARC / L. Koskela. Houston, Texas. – 1993. – May 24–26. – p. 47–54.
6. Березовский, Э.Э. Инструменты и методы управления промышленными предприятиями на основе Lean-концепции: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / Березовский Эдуард Эдуардович. – Краснодар, 2014. – 26 с.
7. Адлер, Ю.П. Бережливость не роскошь, а средство выживания [Электронный ресурс] / Ю.П. Адлер, В.Л. Шпер // Ассоциации Деминга. – Режим доступа: <http://deming.ru/Statyi/BerNeRosk.htm>, свободный – Загл. с экрана.
8. Лапидус В.А. Основы всеобщего менеджмента качества – TQM / В.А. Лапидус // Методическое пособие к учебному курсу TQM-1. – Н.Новгород: СЦМ «Приоритет», 2007. – 126 с.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 ноябрда “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5587-сон Фармони. [www.LexUZ](http://www.LexUZ).
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 1 майдаги “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4302-сон қарори. [www.LexUZ](http://www.LexUZ).
11. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари
  12. [https://uza.uz/uz/posts/toqimachilik-sanoati-ozbekiston-milliy-iqtisodiyotining-zhadal-rivozhlanayotgan-tarmogi\\_380751?q=%2Fposts%2Ftoqimachilik-sanoati-ozbekiston-milliy-iqtisodiyotining-zhadal-rivozhlanayotgan-tarmogi\\_380751](https://uza.uz/uz/posts/toqimachilik-sanoati-ozbekiston-milliy-iqtisodiyotining-zhadal-rivozhlanayotgan-tarmogi_380751?q=%2Fposts%2Ftoqimachilik-sanoati-ozbekiston-milliy-iqtisodiyotining-zhadal-rivozhlanayotgan-tarmogi_380751).
  13. [https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com\\_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=436&id=3326&Itemid=1000000000000](https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=436&id=3326&Itemid=1000000000000).

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

